

Глобал ўзгаришлар ва маънавий-маърифий тарбия.

Пахрутдинов Шукритдин Илёсович
Сиёсий фанлари доктори, профессор.
А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ.

Дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар ва жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Биринчиси, ХХІ асрда ҳали ўз ечимини топмаган анъанавий муаммолар бўлса, иккинчиси, сўнгги вақтда вужудга келган янги хавф-хатар ва таҳдидлардир.

Ҳозирги даврда глобал муаммолар бўйича бош қотириш, уларнинг ечимини излаш тараққиётни белгиловчи ҳаёт-мамот масаласига айланди. Уларнинг планетар, умумдунёвий характерга эга экани, дунё халқлари манфаатларига тааллуқлилиги, бундай шароитда ишлаб чиқаришдаги инқироз инсоният ҳолатига жиддий хавф туғдираётгани, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган қарорлар қабул қилиниши, чора-тадбирлар кўрилиши зарурати туғилди. Бугун қандайдир маънода глобал тус олмаган бирон бир халқаро масала қолгани йўқ.

Шу боис глобаллашув шароитида дунё давлатларида қатор муаммолар юзага келаяптики, булар ўз навбатида, давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатида беқарорлик вазиятларини келтириб чиқармоқда. Булар жумласига демографик, молиявий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, экологик, ижтимоий, тамаддунлараро, ахлоқий-маънавий, инсон шахсий хавфсизлигининг ишончсизлиги беқарорликлари киради.

Дунё сиёсатида рўй бераётган улкан янгиланишлар таъсирида оламни тушуниш, идрок этиш ва унга муносабат ҳам ўзгарганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт. Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, авваламбор, рўй бериши мумкин бўлган турли фалокатлар, жаҳон иқтисодиётининг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини берадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ пировард натижада муваффақиятга эришади”¹.

Шу боис жамият тараққиётида муҳим ўрин тутадиган, бунёдкорлик руҳи билан йўғрилган, ҳаётимизни обод ва фаровон бўлишига хизмат қиладиган янги ишланмалар, таклиф ва тавсиялар бугун ҳар қачонгидан кўра

¹Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь.

зарур. Бугунги кунда кўз ўнгимизда вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олиб, аксарият олимлар инсоният "қалтис даврга қадам қўйди", деб таъкидлаётгани бежиз эмас. Жумладан, XX асрнинг 80-йилларида америкалик олим Эммануэл Валлерстайн ўз асарларида "...ҳозирги можаролар ҳолва, агарда жараён шу тарзда кечадиган бўлса, XXI асрнинг ўрталарига бориб кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар содир бўлиши мумкин", дея башорат қилган. Бу хулоса қанчалик кескин бўлмасин, далил-исбот талаб этмасин, у кўпчиликнинг диққатини жалб этаётгани сир эмас. Бизнингча, мавжуд ақл-заковат ва салоҳиятга таянмасдан туриб, вужудга келган вазиятга аниқ баҳо бериш мураккаб вазифадир.

Зеро бугунги давр тараққиётини ҳар томонлама таҳлил қилмасдан туриб, қатъий фикрга келиш амримаҳол. Маълумки, XX аср файласуфи Карл Ясперс "Тарихнинг мазмуни ва мақсад-муддаоси" («Смысл и назначение истории») китобида ҳар бир "давр— ўзига хос таҳдид" деган фикрни илгари сурган. Унинг фикрича, инсоният тарихи фақат бир йўл — даврлар орқалигина кечади. Ва ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Уни аниқ тасаввур этиш ва бу жараёндаги турли муаммоларнинг ечимини топишга бўлган интилиш эса давр таҳдидига берилган жавоб ҳисобланади. Демак, бир томондан, даврталаби, иккинчи томондан, даврни англаш жараёнлари бир-бири билан диалектик боғланган бўлиб, тараққиёт учун замин ҳозирлайди. Жумладан жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирози бу ўзига хос "давр даъвати" дир. Уни ҳар томонлама таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш, бартараф этиш йўллариини белгилаш ва унга муносиб жавоб беришига қараб мамлакат тараққиёти таъминланади.

Зеро, ҳар қандай давлатда ўзига хослик мавжуд бўлиб, бу унинг тарихида, менталитетида, ривожланиш даражасида, қолаверса, аҳолисининг интеллектуал салоҳиятида намоён бўлади. Юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган миллатгина ҳар қандай мураккаб даврни теран англаб етиш қудратига эга бўлади, шунга монанд равишда ўзига хос бошқарув тизимини яратади. Табиийки, миллатларнинг давр талабига ҳамнафаслик даражасини белгилайдиган муайян мезонлар мавжуд. Биринчидан, ўз ривожланиш тамойилларига амал қилган ҳолда қоқилмай олға интилаётган миллат давр билан ҳамнафас тараққий этади, деган хулосага келиш мумкин. Мабодо, бирон-бир миллат давр талабини вақтида англаб етмаса, ҳар қадамда қоқилса, дунё ҳамжамияти олдидаги обрў-эътибори пасаяди, у давр талабларидан ортда қолиб кетаверади. Дунёда бундай давлатлар оз бўлсада, учраб турадики, илмий адабиётларда уларни баъзан "муаммоли давлат" ҳам деб талқин қилишади.

Ҳозирги шароитда қуйидагиларга эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб биламиз: биринчидан, даврнинг ўзига хослиги, унинг ўзгарувчан ғояларга асосланаётгани ва янгича ёндашувларни юзага келтираётганини англаб етиш; иккинчидан, ҳар бир даврнинг ўзига хос тараққиёт йўналишларини эътироф этиши ва бу жараён турли ғоялар кураши орқали кечишини ҳисобга олиш; учинчидан, ҳозирги вақтда пайдо бўлаётган

муаммолар азалий анъаналар ва давр ноаниқлигини уйғунлаштирган ҳолда намоён бўлишини эътиборга олиш.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда барчамизни ўйлантираётган мазкур муаммолар ечимини қайси йўналишда изламоқ лозим? -деган саволга жавоб топишимиз зарур. Кишилиқ жамияти ривожланиши натижасида тўпланган ниҳоятда катта тажрибадан келиб чиқиб хулоса қилганимизда, инсоният тараққиёти кўпгина омилларга боғлиқ эканлигига, лекин уларнинг орасида маърифатга интилиш омили устун бўлиб хизмат қилганлигига амин бўламиз. Замоннинг шафқатсиз синовларига қарши ўзининг юксак маърифати билан жавоб берган миллат ҳеч қачон заволга юз тутмаган. Айнан маърифат, миллатнинг замон билан ҳамнафас бўлиб туришини таъминлаган, миллат тақдири учун хатарли вазиятларда бамисоли жамиятнинг қалқони вазифасини ўтаган. Ўзининг тарихий тараққиётида замон билан ҳамнафас қадам ташлай олган, нуфузини ер юзида доимо баланд тута олган миллатлар бундай натижаларга эришиш учун асосий эътиборларини нималарга қаратганлар?

Бугунги кунда айрим мамлакатлар тарихидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, унча узоқ бўлмаган ўтмишга мурожаат қилиб кўрадиган бўлсак ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодий ва сиёсий об- ҳавосини маълум даражада белгилаб турган икки ўта ривожланган мамлакат - Германия ва Япониянинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги вайронагарчиликлардан шу даражада қаддини ростлаб чиқа олганлигига ишониш қийин, лекин бу - тарихий ҳақиқатдир. Маълумки, уруш натижасида ҳар иккала мамлакат ҳам ўта чуқур таназзул ҳолатига келди, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти издан чиқди. Бу ўринда гап, фашизм истибдодини кўрган олмон халқи ва милитаристик сиёсатдан азият чеккан япон халқининг қисқа муддатда, чуқур маънавий инқироз ҳолатидан чиқиб, ўзларининг янги миллий давлатчилигини, кучли жамиятини барпо қилгани, илғор халқлар даражасига кўтарила олганлиги устида бормоқда. Бу мамлакатларнинг шу тарздаги муваффақиятлари сабабларини қанчалик чуқур таҳлил қилмайлик, барибир, унда маърифатга интилиш омилининг етакчи ўринда турганлигини кўрамиз.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бизнинг мамлакатимиз ҳаётида ҳам маърифат омили тараққиётнинг бош устуни бўлиб хизмат қилиши лозимлигини барчамиз чуқур англашимиз керак. Ушбу фикрлардан келиб чиқадиган бош хулоса шундаки, мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш давримизнинг энг масъулиятли талабидир. Давлатимиз раҳбари “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ана шу масала хусусида тўхталиб, бундай деб ёзади “Мен, ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлар эдим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо серғақ огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама

чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва ўзлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин”².

Маълумки, бу борада давлатимиз томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, давлат томонидан қабул қилинган янги қонун ўзининг туб моҳиятига кўра, энг замонавий таълим тизимини барпо қилишнинг мукамал ҳуқуқий асосидир. Бундан ташқари, давлатимиз янги таълим тизимининг барча керакли моддий асосларини ҳам ҳал қилиб бормоқда. Ҳозирги масъулиятли паллада давр талабидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимини янада такомиллаштириш бу орқали жамиятимизни сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиб, ўз миллий равнақимизни тезлаштиришимиз талаб қилинмоқда. Ваҳоланки, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турганидек, илму маърифатни юксалтириш вазифасини ҳал қилишда таълим тизими ўзини ҳали тўлиқ сафарбар қила олгани йўқ.

Ёшларимизнинг маънавий дунёси ва руҳий оламининг шаклланиши давримиз шиддатига мос келаяптими ёки орқада қолаяптими? Афсуски, айрим ёшларимизда сиёсий етуклик етишмаяпти, нафақат мамлакатда, балки жаҳонда юз бераётган ўзгаришларга бефарқ бўлиш, лоқайдлик ҳолатлари мавжуд бўлиб, китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинлари олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги мусикалар эшитиш, фильмлар томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда, улар маънавияти ва руҳиятидаги Ғарб маданияти кўп ҳолларда миллий руҳиятимиз тўлқинларидан устуворроқ намоён бўлмоқда ва ҳоказо.

Бунинг сабаблари нимада? Афсуски, айрим ўқув муассасалари томонидан маънавий-маърифий тарбияга енгил- елпи иккинчи даражали масала деб қараш, ҳисобот учун реал ҳолатни ҳисобга олмаган ҳолда тадбирлар ўтказилиши, маънавий-маърифий тарбиянинг самарадорлиги мониторингини олиб бормаслик, натижаларини таҳлили асосида тегишли чора-тадбир кўрилмаслик, амалда “оила-маҳалла-мактаб” ҳамкорлик концепциясини самарасизлиги, маънавий-маърифий тарбия тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган махсус хоналардан деярли фойдаланмаслик, уларни “хўжа-кўрсин”ликга, текширув комиссияси учун жихозлаб қўйиш, айрим раҳбарларнинг маънавий салоҳияти талаб даражасида эмаслиги, шахсан ушбу ишга мутасадди, жавобгар бўлган биринчи раҳбарлар томонидан маънавий-маърифий тарбияга лоқайдлик, бепарволик ва маъсулиятсизлик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англамаслик ҳолатларини мавжудлигидадир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин: Биринчидан, бугунги мураккаб, зиддиятли, таҳликали даврда одамлар, айниқса ёшлар, соғлом негизда шаклланган дунёқарашга эга бўлмаса, содир бўлаётган воқеаларнинг асл моҳиятини тушуниб етишга кодир бўлмайди, турли маънавий таҳдидларга, хусусан “Оммавий маданият” ниқоби остида тарғиб қилинаётган зўравонлик, индивидуализм, эгацентризм ғояларининг таъсирига бардош бера олмайди. Соғлом дунёқарашга одам

²Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б. 115.

мустақил фикрлаш қобилияти асосида оқ ва қорани бир - биридан ажрата оладиган тақдирда эга бўлади. Бундай қобилият, фазилатлар таълим-тарбия ёрдамида шакллантирилади. *“Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади”*, дейди мамлакатимиз раҳбари. Айни шу таъкид, айниқса, ислохотларни бошида турган раҳбарларга, жумладан ўқув муассасалари раҳбарларига эътибор ҳам, талаб ҳам кучаётганлигини кўрсатади. Ўқув муассаса раҳбарлари маънавият соҳасидаги жаранёларни тўлиқ англаши, бу борада жойларда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни узлуксиз амалга оширишлари, бузғунчи ғояларга қарши самарали кураш механизмларини мукамал билишлари давр талабидир. Иккинчидан, миллий ва маънавий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини сақлаб қолиш учун турли хил маънавий таҳдидлардан ёшларни ҳимоя этиш йўлида мамлакатимиз истиқболлини, фаровонлигини ўзида ифода этувчи миллий ғоя асосида мафкуравий тарбияни шакллантириш ёшларимизни ғайримиллий ғоялар хуружидан асраб қолади.

Демак, бугунги мураккаб даврдаёшларимиз маънавий дунёсини шакллантириш борасида қиладиган ишларимиз бажарганимиздан кўпроқдир. Маънавият соҳасида мураккаб курашларнинг муқаррарлиги намоён бўлмоқда. Маънавият билан бевосита боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этмасдан мустақиллик ҳақидаги ғоялар ва тушунчаларнинг ёшлар онги ва қалбига чуқур сингиб, улар эътиқодига айланиб кетишга эришиб бўлмайди. Чунки, фақат руҳан пок, қалбан улғайган, иймон-эътиқодли, ички дунёси, иродаси бақувват, виждони уйғоқ, истеъдодли, ташаббускор, изланувчан, янгича фикрлай оладиган инсонгина бугунги иқтисодий-сиёсий, маданият-маърифий муаммоларни тўғри ҳал қилиб, инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган мафкуравий, ғоявий ва информацион хужумларга қарши оқилона, изчил кураша олади. Бугунги долзарб вазифалардан бири, мана шу муаммонинг туб илдизларини очиб, зудлик билан уни бартараф қилиш чораларини излаб топишдан иборатдир.

Шу боис, бугунги зиддиятли, таҳликали, таҳдидларга бой даврда мамлакатимизда узлуксиз таълимни амалга ошириш борасида тўпланган тажрибалар, айни бир пайтда, йиғилиб қолган муаммоларни ҳам, жамиятимиз олдида турган янги вазифалар нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилиб чиқишимиз, ўз ёндашувларимиз ва услубларимизга тегишли тўзатишларни киритишимиз зарур бўлмоқда. Бу борада давлатимиз билан бир қаторда, барча таълим муассасалари ҳам бош ислохотчи ролини ўйнаши керак. Шундай натижага эришишимиз керакки, ёшларимиз тафаккурида, онгида мен шу жамиятнинг фарзандиман, унинг ажралмас бўлагиман деган фикр кучли ва тез шакллансин. Мана шу йўл билангина, бугун биз учун сув билан ҳаводек зарур бўлиб турган мафкуравий иммунитетни жамиятимиз миқёсида ҳосил қила оламиз. Зеро, Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган

мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди".